

**Сув хўжалик тизимида кўпроқ ишлатиладиган
гидротехник терминларни луғати ва
уларнинг қисқача мазмуни**

1. **Канал** – канал ўз оқими билан оқадиган тўғри шаклли сунний ўзанга эга бўлган сув ўтказгич
2. **Иншоот–сооружение**– сув манбаларидан фойдаланиш учун сувнинг емириш таъсирига қарши курашиш мақсадида қуриладиган сув ўтказгич
3. **Гидротехник**–сувдан тўғри фойдаланишга мутасадди шахс
4. **Сув иншоотларининг тугуни–гидроузел**– дарё ёки каналнинг бир ерида қуриладиган бир нечта гидротехника иншоотлар мажмуи
5. **Габион** – *габион* – метал тўрдан ясалиб, ичига тош тўлдирилиб яшиқ кўринилшидаги конструкция
6. **Сувни геометрик баландликка кўтариш** - *геометрическая высота подъёма воды* – насос ёрдамида сув чиқариладиган канал бошидаги сув сатҳи билан суғориш манбасидаги сув сатҳиоросидаги масофа.
7. **Гидравлик периметр** – каналнинг сув билан хўлланиб турувчи кўндаланг кесим юзасининг периметри
8. **Бош иншоот** – *головное сооружение* – магистрал канал бошида қурилган, манбадан олинадиган сувни созлаб турадиган гидротехник иншоот
9. **Гидротехник қулфак** – гидротехнический затвор
10. **Суғориш гидромодули** – *гидромодуль оросительный* – бирор бир экинни ўсув даврида 1 гектар ерга бериладиган сув миқдори
$$q = \frac{M}{86,4} \cdot T \text{ л/с га}$$
11. **Сув бериш гидромодули** – *поливной гидромодуль* – бирор бир экинни бир марта суғориш учун 1 гектарга бериладиган солиштирма сув миқдори
$$q_c = \frac{M}{86,4} \cdot t \text{ л/с га}$$
12. **Келтирилган гидромодул** – *приведённый гидромодуль* – келтирилган гектарга бир марта суғориш учун бериладиган солиштирма сув миқдори
$$q_{пр} = \frac{L \cdot M}{86,4} \cdot t \text{ л/с га}$$
 L – процент
13. **Фойдасиз сув хажмини сатҳи** – *горизонт мертвого объёма*
14. **Тарнов** – *лоток* – очик нов – ариқ ўрнида фойдаланиши учун ишлатилади
15. **Мелиоратив харита** – *мелиоративная карта* – суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолатини тавсифловчи маълумотлар тасвирланган харита
16. **Мелиоратив ер майдони** – *мелиоративный фонд*–бирор турдаги мелиоратив тадбирга мухтож бўлган майдон
17. **Гидрометрик кўприк** – *мост гидрометрический* – канал ва дарёларда сув сарфини ўлчаш мақсадида қурилган кўприк

18. **Сувнинг лойқалиги** – *мутность воды* – 1 м^3 сувдаги лойқанинг оғирлиги процент билан ўлчанади
19. **Насос** – ташқи куч ёрдами билан ҳаракатга келтирувчи ва суюқликни бир жойдан иккинчи жойга қўчириш учун хизмат қиладиган машина
20. **Насос станция** – суюқликларни босим остида ҳайдайдиган иншоот, машина ва қурилма мажмуаси
21. **Пастки бьеф** – *нижний бьеф* – гидротехник иншоотларни пастки қисмлари
22. **Суғориш нормаси** – *орокительная норма* – 1 га экин майдонида суғориш мавсумида бериладиган сув миқдори – $\text{м}^3/\text{га}$
23. **Зах қочириш мъери** – *норма осушения* – шўр босган суғориладиган ерларда сизот сувларини сатҳини тупроқнинг юқорий қатлами шўрланмайдиган ва ботқоқланмайдиган бўлишини таъминлайдиган энг паст жойланиш чуқурлиги
24. **Суғориш мъери** – *поливная норма* – бир марта сув бериш мъери. Экин экилган 1 га майдонни 1 марта суғориш учун сарфландиган сув миқдори $\text{м}^3/\text{га}$
25. **Тўгон–плотина** – сунний ёки табиий сув йўллари тўсиш учун турли материаллардан қуриладиган гидротехник иншоот
26. **Умумий ер майдони** – *площадь брутто* – ялпи ер майдонидан экишга яроқсиз бўлган ерларни (кўча, тоғлар ва бошқа) чиқариб ташланган ер майдони
27. **Зовур сув оқимининг модули** – *модуль дренажного стока* – вақт бирлигида мўаян бирликдаги майдондан зовурга келадиган сув сарфи л/с (0,15-0,25 л/с) шўр ювиш даврида (0,5-0,65 л/с)
28. **Оқим модули** – *модуль стока* – 1 км^2 майдондан оқиб келадиган литр ҳисобидаги сув сарфи
29. **Суғориладиган майдон** – *орошаемая площадь* – мўаян суғориш тизимлари хизмат қиладиган майдон
30. **Сув туширгич** – *перепад* – сув оқиши юқоридан пастга кескин тушадиган ерда қуриладиган поғонали гидротехник иншоот
31. **Шаршара тезоқар** – *перепад быстрое течение* – туташтирувчи иншоотларидан бири, бу иншоотда сув аввал ҳавода ҳаракат қилиб, тез оқар новга тушади, сўнгра унинг новдан, ажралмаган ҳолда ҳаракат қилади, шаршараларда эса сув фақат ҳаво орқали ҳаракат қилиб жойга тушади
32. **Сувдан фойдаланиш режаси** – *план водопользования* – сувни тўғри тақсимлаш, экин майдонларини ўз вақтида суғоришга тайёрлаб қўйиш
33. **Остона** – *порог* – гидротехник иншоотларини сув ўтқазадиган пастки қисмлари ёки дарё ўзанини ювилишдан сақлаш учун унинг остига қуриладиган кўндаланг девор
34. **Шўр ювиш** – *промывка земель* – экин экиладиган ва шўрланган майдонларни тупроқдаги зарарли тузлар миқдорини камайтириш мақсадида сув бостириб суғориш
35. **Бўйлама кесим** – *продольный профиль* – гидротехник иншоот йўналишини узунасига бўйлаб олинган тик қирқимини кўриниши

36. **Кўндаланг кесим** – *поперчный профиль* – гидротехник иншоот йўналишининг экин бўйлаб олинган тик қирқим кўриниши
37. **Пьезометрик сатҳ** – босимли сув қатлами бурғи ёрдамида очилганда сув сатҳи қудук бўйлаб юқорига кўтаралабошлайди, бу босимли сув босими деб аталади
38. **Ишчи чизмалар** – *рабочие чертежи* – иншоотлар лойиҳаларини тизимнинг охирги босқичи. Бу чизмаларга асосланиб иншоот қурилди
39. **Каналнинг ўлчовлари** – *размеры каналов* – каналнинг ўлчамлари умумий қабул қилинган кўйидаги харфлар билан белгиланади. b – канал тубининг эни, B – канал устининг эни, H – каналнинг чуқурлиги, h – каналдаги сувнинг чуқурлаги, m – каналнинг ички қиялик коэффициентлари, V – сув оқимининг тезлиги, м/сек, ω – жонли кесим юзаси, m^2 , R – гидравлик радиус
40. **Сув сарфи** – *расход воды* – канал кесими орқали ҳар бир секунда оқиб ўтган сув миқдори, $m^3/сек$
41. **Каналнинг соф сув сарфи** – *расход канала нетто* – сув исрофлари ҳисобга олинмаган ҳолда бирор майдонни суғориш учун зарур бўлган сув сарфи $Q_k = \omega \cdot q m^3/сек$
42. **Гидротехник иншоотларни ҳисоблаш** – *расчет гидротехнических сооружений* – гидротехника иншоотларининг ўлчамлари ва турғунлиги ҳамда уларнинг айрим қисмларининг мустахкамлигини аниқлаш мақсадида бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари
43. **Репер** – ер сиртидаги айрим нуқталарнинг баландлигини кўрсатиб турадиган доимий белги
44. **Сув тақсимлаш иншооти** – *водораспределительное сооружение* – бир каналдан иккинчисига сув олиш мақсадида ишлатиладиган махсус иншоот
45. **Акведук** – жар, дара, дарё, йўл орқали нов ёки кўприксимон кўринишдаги сув ўтказувчи иншоот
46. **Тезоқар** – *быстроток* – бьефларни туташтирувчи иншоотлардан бири
47. **Сув урилма** – *водобой* – сув туширгич (танлома) дан кейин жойлашган дарё ўзани ёки каналнинг мустахкамланган қисми
48. **Сув тақсимлагич** – *вододелитель* – дарё, канал каби катта сув манбаларидан кичик ариқ, ва майда каналларга сув тақсимлаш учун хизмат қиладиган гидротехник иншоот
49. **Сув олиш иншооти** – *водозаборное сооружение* – очик сув манбаларидан (дарё, кўл, сув омбори) сув олиш ва чиқаришни амалга оширадиган гидротехник иншоот
50. **Сув олиш бўғини** – *водозаборный узел* – магистрал каналларни дарёдан сув оладиган жойларидаги қурилган гидроиншоот
51. **Шаршара** – *водопад* – канал йўналишининг баъзи жойларида канал тубининг баландлигини кескин пасайтириш ва шу жойларда бьефларни туташтириш ҳамда сувнинг энергиясини қисқа масофада сўндириш учун қуриладиган иншоот. Бу иншоот қиялиги 0,2-0,3 бўлган жойларда қурилади
52. **Шовва** – *водоскат* – сув нишаби, сув шариллаб оқадиган нишаблик ёки қиялик

53. **Сув туширгич** – *водослив* – сув туширадиган курилма
54. **Дарё хавзаси** – *бассейн реки* – сувлар йиғилиб дарё бўлувчи жой
55. **Гидротехник бетон** – *гидротехнический бетон* – гидротехника иншоотларига ишлатиладиган сув ўтказмайдиган, эгилувган, совуқ ва иссиққа ҳамда сувдаги агрессив моддаларнинг таъсирига чидамли бетон
56. **Вегетатив даври** – *вегетативный период* – бир йиллик ўсимликлар учун уруғининг унишидан бошлаб, янги уруғи пишиб етилгунча қадар бўлган давр
57. **Ўсув давридаги суғориш** – *вегетационный полив* – экинларни ўсиш даврида суғориш, ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган жараён
58. **Пирилдиқ** – *вертушка* – сув оқимининг тезлигини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб
59. **Дарёнинг сувлиги** – *водность реки* – мўайян вақт оралиғи (ўн кун, ой, бир йил) да дарёдан оқиб ўтадиган сув хажми
60. **Сув кадастри** – *водный кадастр* – мамлакатнинг сув объектларини ҳар томонлама ва батафсил тавсифловчи маълумотлар
61. **Сув бериш** – *водоподача* – 1 га суғориш майдонига берилган сув хажми
62. **Сув туширувчи тўғон** – *водосливная плотина* – тўғон устидан сув ўтиб тўқилиб турадиган иншоот
63. **Насосни сўриш баландлиги** – *высота всасывания насоса* – насос ўрнатилган жойнинг сатҳи билан мазкур насос сўриб олиши мумкин бўлган суюқликни сатҳи орасидаги масофа (м)
64. **Гидравлик зарб** – *гидравлический удар* – босимли шароитда ишлайдиган қувурларда учрайдиган ходиса
65. **Гидравлик нишаблик** – *гидравлический уклон* – маълум масофада турли қаршилиқларни енгиш учун сарф бўладиган сув босимининг мазкур масофага нисбати $\bar{L} = j$
66. **Гидрогеологик районлаштириш** – *гидрогеологическое районирование* – бирхил хусусиятга эга бўлган ер ости сув майдонларини ажратиш
67. **Гидрограф** – дарё ёки каналда сув сарфини кўрсатадиган эгро чизик
68. **Дренаж** – зах қочириш мажмуаси, қишлоқ хўжалик экинларини ўсишига мўаътадил шароит яратилиш мақсадида суғориладиган майдонда сизот сувларини сатҳини пасайтириш
69. **Тик зовур** – *вертикальный дренаж* – бурғи билан чуқур қазилган қудуқдан курилган зовур
70. **Горизонтал зовурлар** – очик ва ёпиққа бўлинади
71. **Зовур сувлари** – *дренажные воды* – таркибида хархил тузлар эритмаси бўлган шўр сувлар
72. **Қайнама** – *дюкер* – канал сувини темир йўл, қатнов йўллари, кўтарма ва бошқа тўсиқ тагидан олиб ўтишга мўлжалланган ёпиқ сув ўтказувчи иншоот
73. **Сув омборини сиғими** – *ёмкость водохранилища* – сув омборининг м³ ёки км³ билан ўлчаниладиган фойдали хажми

74. **Темир бетон лотоклар** – *железобетонные лотки* – темир бетондан ясалган, узунлиги 6-8 м бўлган айрим қисмлардан ташкил топган новлар
75. **Сувнинг қаттиқлиги** – *жёсткость воды* – сувнинг ўз таркибидаги кальций ва магний элементлари миқдорига нисбатан аниқловчи сифати
76. **Сурма қулфак** – *задвижка* – сув манбаларини берктадиган қурилма
77. **Ер ости сувлар захираси** – *подземные воды* – сувли қатламлардаги гравитацион сув хажми
78. **Тупроқнинг шўрланиши** – *засоление почвы* – сувда эрийдиган зарарли, айниқса натрийли тўзларнинг тупроқ юзаси ва қатламида тўпланиши
79. **Таъмирлаш қулфаги** – *ремонтный затвор* – қулфак таъмирланаётганда вақтинча ишлатиладиган қулфак
80. **Муз тиқини** – *затор* – дарё ўзанида муз тўпланиб қолиши
81. **Сув омборининг сатҳи** – *зеркало водохранилища* – сув омборида тўпланган сувнинг сатҳи
82. **Тўсиқ** – *зуб* – тупроқдан қурилган тўғон ва қурилмаларнинг конструктив элементлари сизибчиқадиган сув йўллари чўзиш учун флютбет (иншоот асоси) остига ўрнатиладиган тўсиқ
83. **Лойқа** – *ил* – тупроқнинг механикавий таркибидаги диаметри 0,001 мм бўлган чўкма
84. **Дарё боши** – *исток* – сув манбаи, дарёнинг бошланиши нуқтаси
85. **Кавитация** – суюқлик узлуксизлигини бузилиш ва босимнинг танг холатга келиш
86. **Кадастр** – бирор нарса ҳақидаги маълумотлар
87. **Каскад** – бир неча поғонали урилиб тўшадиган сунний шаршара
88. **Гидротехник иншоотларнинг синфи** – *класс гидротехнических сооружений* – иншоот нормал ишлашининг бузилиши ёки фалокат оқибатида халқ хўжалигига келтирган зарарни ҳисоблаганда иншоот салмоғини тафсифи
89. **Гидротехник иншоотларни синфи** – *классификация гидротехнических сооружений* – гидротехник иншоотларни вазифаси, конструкцияси, хизмат қилиш муддати ва маъсулиятлигига қараб синфларга бўлиниши
90. **Консолли тезоқар** – *консольный быстроток* – устки бьефдан, пастки бьефга нов орқали катта тезликда сув ўтказиш иншооти
91. **Консолли шаршара** – *консольный перепад* – бьефларни бирлаштирувчи иншоотлардан бири
92. **Ирригация тармоқларини фойдали иш коэффиценти** – *КПД ирригационной сети* – муайян муддат ичида далага оқиб келган сув миқдорининг суғориш системалининг бошидаги берилган сув миқдорига нисбати $KПД = \frac{\dots}{\dots}$
93. **Насоснинг фойдали иш коэффиценти** – *коэффициент полезного действия насоса* – насоснинг сувини юқорига кўтариш учун сарф қилинган энергиянинг –унинг двигателдан олган энергиясига нисбати
94. **Суғориш тармоғини фойдали иш коэффиценти** – *коэффициент полезного действия оросительной сети* – суғориш учун бевосита сарф

килинган сув миқдорини сув манбасидан олинган сув миқдорига нисбати

95. **Контрофорсли тўғон** – контрофорсная плотина – темир бетондан қурилган бўлиб сиқилиш, чўзилаш, ва эгилишга яхши қаршилиқ кўрсатадиган тўғон. Бу тўғон контрофорс (ёйма ва қовурғалариданиборат)
96. **Остона** – *порог* – гидротехник иншоотларнинг сув ўтадиган қисмлари
97. **Створ** – дарё, канал ўзанлари ва сув оқимининг турли қисмларини ўлчаш учун ўзаннинг бирор ерида маълум белги ёки қоziқлар билан белгиланган йўналиш
98. **Ҳарорат чоки** – *температурный шов* - материалларини ҳарорат таъсирида хажми ўзгаришидан вужудга келадиган ички зўриқишларнинг йўқотиш учун конструкция ва иншоотларда ҳосил бўлдиغان тирқиш
99. **Сув чизиғи** – *урез воды* – сув сатҳининг соҳил билан кесилган чизиғи
100. **Сув сатҳи** – *уровень воды* – сув юзасининг шартли таққосланадиган горизонтал текисликка нисбатан баландлиги
101. **Фарватер** – денгиз, дарё ва кўлларнинг кемалар ва соллар хавфсиз ҳаракатланиши учун маълум белгилар билан ажратиб вўйилган чуқур жойлари
102. **Цементация** – дарз кетган ва ғовак тоғ жинслари, ғовакларга махсус қоришмалар, катта босим билан киритиб, уларни сув ўтказмаслик хусусиятларини ошириш
103. **Шпора** – дарё қирғоқларини ювилишдан сақлаш мақсадида сув оқимига тик ёки бироз қия қилиб қуриладиган қурилма
104. **Понур** – *понур* – юқори бўёфда иншоотнинг олди томонида қурилади, у иншоот олдидаги ўзанни ювилишидан сақлайди, шунингдек иншоот остидан сингиб ўтувчи фильтрация йўлини узайтиради, натижада фильтрация сувининг тезлиги ва сарфи камаяди
105. **Рисберма** – *рисберма* – иншоот чиқиш қисмидан сўнг жойлаштирилиб, иншоотнинг барча оролиқлари учун битта қабул қилинади, унинг асосий вазифаси:
- а) иншоотдан чиқувчи оқимнинг тезлигини каналдаги ювилиш тезлигидан катта бўлган вақтда пастдаги бўёфни ювилишдан сақлаш
 - б) сув урилмада тўла сўнмаган оқимнинг энергиямини сўндириш
 - в) иншоотдан чиқувчи оқимни каналга текис тарқалишини таъминлайди
106. **Флютбет** – сув оқими иншоотнинг олди томонидан грунтни ювиб кетиш ва иншоот остидан сингиб ўтувчи фильтрация оқимини зарарли таъсиридан ҳимоя қилади. Флютбет уч қисмдан : понур, сув урилма ва рисбермадан ташкил топади.